
Эҳтиёжмандларни қўллаш чоралари кўриб борилмоқда

Бюронинг Ўзбекистон туман бўлими томонидан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини ошириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Асосий эътиборларнинг бири Бюро органлари долзарб бўлиб келаётган “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган эҳтиёжманд фуқароларни қўллаб-қўвватлашга қаратилмоқда.

Жорий йилнинг 4 ойида Бюронинг Ўзбекистон туман бўлими томонидан “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган эҳтиёжманд фуқароларни қўллаб қувватлаш учун очилган махсус ҳисоб-рақамларга умумий жами 610.4 млн. сўм маблағлар йўналтирилди.

Ушбу маблағлар қийин шароитда яшаётган, кўмакка муҳтож фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга хизмат қилади.

2022-05-12 09:38:54